

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У Қ М

2024 йил март ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси П.Маматусмонов, судья ёрдамчиси Н.Каримжоновнинг котиблигида, тарафлардан Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси Н.Абдурахимов, судланувчи М.Тўхташев ва унинг ҳимоячиси адвокат В.Кабиловнинг иштирокида Тўхташев Миртозабек Бозаровичга нисбатан 1-1503-2304/168-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Тўхташев Миртозабек Бозарович (То'xtashev Mirtozabek Bozarovich), 1979 йил 12 апрелда Ўзбекистон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, депутат эмас, давлат мукофоти олмаган, оилали 2 нафар фарзанди бор, Ўзбекистон тумани “Отабоев Комилжон боғ файзи” фермер хўжалигида ишчи, депутат эмас, Ўзбекистон тумани, Қизил Қақир МФЙ, Гулзор кўчаси, 29 уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 20 февраль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланиб судга берилган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи М.Тўхташев 2024 йил 4 январь куни соат 13:15 ларда ўтказилган тезкор тадбирда, алдаш ёки ишончли суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани жуда кўп миқдорда қўлга киритиш мақсадида, фуқаро А.Солиев билан Ўзбекистон тумани Янги Хаёт МФЙ даги “Ғаниобод” ММТП худудидаги “Отабоев Комилжон боғ файзи” номли кўп тармоқли фермер хўжалиги ер майдонида кўришиб, ундан ушбу фермер хўжалигига қарашли, ўзига тегишли бўлмаган 1.10 гектар ер майдонини 18.000 АҚШ долларига сотишга келишиб, Фарғона вилояти ИИБ ИИБ ТҚХ Ква ИЖҚКБ ва Қўқон шаҳар ИИБ ТҚХ ТҚКБ ходимлари томонидан Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган “Медиа парк” савдо комплекси олдида аризачи А.Солиевдан ўзига тегишли бўлмаган 1.10 гектар ер майдонини 18.000 АҚШ доллари эвазига сотган вақтида жиноят устида қўлган олинган ва ундан кимёвий ишлов берилган “Ер-2024” ёзувлари бўлган 100 купюралик жаъми 200 АҚШ доллари ҳамда 17.800 АҚШ доллари миқдоридаги муляж пуллар холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида баённома тузилиб олинган.

Ўтказилган суд-кимёвий экспертизасининг 06.01.2024-йилдаги 05-сонли хулосасига кўра, Тўхташев Миртозабек Бозаровичдан олинган 18.000 АҚШ



доллари миқдоридаги пул купюралари, М.Тўхташевнинг ўнг ва чап қўлидаги олинган суртмалар сариқ рангли махсус кукун излари мавжудлиги, ушбу кукун излари тадқиқот учун тақдим этилган кукун излари билан турдош эканлиги, ҳамда фуқаро Тўхташев Миртозабек Бозаровичдан олинган 18.000 АҚШ доллари миқдоридаги пуллардан бир дона 100 АҚШ долларилик пул купюрасида махсус қалам излари мавжуд эканлиги, ушбу қалам излари тадқиқот учун тақдим этилган махсус қалам излари билан турдош эканлиги аниқланган.

Судланувчи М.Тўхташев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у амакиси Отабоев Комилжон раҳбарлигидаги жами 11 гектар боғдорчилик фермер хўжалигидаги 1.10 гектар ер майдонини тахминан 20-21 йиллардан буён деҳқончилик ишлари билан шуғуланиб келиши, боғ ер майдонида асосан бир неча йиллик тахминан 120 туп ўрик дарахтлари экилгани, ушбу ер майдони амакиси Отабоев Комилжонни фермер хўжалиги балансида туриши, 2023 йил тахминан ноябрь ойи охирларида ва декабрь ойи бошларида мазкур 1,10 гектар боғ ер майдонини сотиш бўйича телеграмм ижтимоий тармоғидаги Қўқон ва Яйпан бозори гуруҳига сотиш бўйича эълон жойлагани, мазкур эълон бўйича 2023 йил тахминан декабрь ойи бошларида Алижон исмли шахс қўнғироқ қилиб, сўнг боғ ер майдонига келиб, ер майдонини кўриб, қанча эканлигини сўраганида, унга ушбу ер майдони жами 1.10 гектар ер майдони эканлигини, ер майдони Комилжон Отабоев номли боғдорчилик фермер хўжалигига қарашли ер майдони эканлигини айтгани, Алижон ер майдонига экилган ўрик дарахтлари керак эмаслигини, уни кесиб олишини, фақат куриқ бўш ҳолдаги ер майдони кераклигини, мазкур ер майдонига иссиқхона қуришини айтгани, у Алижонни таклифига рози бўлиб, боғ ер майдонини кўриб, жами 18.000 АҚШ долларига сотишга келишгани, Алижон ер майдонини кўриб кетиб, орада бир икки маротаба телефон орқали гаплашиб тургани, пул маблағи тайёр бўлса телефон қилишини айтгани, 04.01.2023 йил куни эрталаб, Алижон исмли шахс телефон қилиб, келишилган 18.000 АҚШ доллари миқдорида пул тайёр бўлганлигини айтиб, Қўқон шаҳридаги “Медиа парк” номли савдо мажмуаси автотураргоҳида кўришини айтгани, дадаси Б.Тўхташев билан айтилган манзилга етиб боришгани, Алижон исмли шахс бир ўзи келиб, улар билан сўрашиб, айтилган пулларни олиб келганлигини, ер майдони бўйича тилхат ёзиб беришини сўрагани, у тилхат ёзиб, имзо қўйиб бергани, Алижон унга 100 АҚШ купюрадаги жами 18000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бергани, пулларни олиб чўнтагига солган вақтида, фуқаролик кийимида ИИБ ходимлари келишиб, ўзларини таништиришиб, хизмат гувоҳномасини кўрсатишиб, унга нисбатан тадбир ўтказилганлигини айтишиб, ўша ерда мутахассис ҳолислар иштирокида ўнг ва чап қўлидан суртмалар олишгани ва сарғиш ранг тусланишини кўргани, алоҳида 4 ва 5 сонли пактларга солишиб муҳрлашгани, у томонидан тақдим қилинган 18.000 АҚШ долларини ҳолислар иштирокида кўрилганда, уни 1 донасида “Ер-2024” ёзуви ёзилганлиги ва сарғиш рангли нурланишлар борлиги аниқланиб ксеронусхалари солиштириб кўрилгани ва мослиги аниқлангани ҳамда 6-сонли пакетга солиниб муҳрлашгани, у ушбу амакиси Комилжон Отабоев фермер хўжалиги балансида турган ер майдонини ҳеч қандай ҳужжатсиз бошқа бировга сотиб юбориш қонунга зид эканлигини билмагани, у



оиласи моддий жихатдан қийналиб қолганлиги учун пул зарурлигидан ер майдонини сотишга мажбур бўлгани, қилмишидан пушаймон эканлиги ҳақида кўрсатув бериб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Б.Тўхташев суд мажлисида, Ўзбекистон тумани Янгихаёт қишлоғида жойлашган “Отабоев Комилжон боғ файзи” фермер хўжалигига тегишли бўлган жами 15 гектар ер майдонидан, 1,10 гектар ер майдонига кўчат экиб тахминан 20 йилдан буён оила аъзолари билан бирга фойдаланиб келишини, ҳозирда ушбу боғ укаси Отабев Комилжоннинг номида бўлиб, ўғли билан фойдаланиб келишини, 2023 йилнинг охирларида ўғли Миртозбек 1.10 гектар боғни сотмоқчи бўлиб интернет ижтимоий тармоқларга эълон жойлаштирганини кейин билгани, 2024 йил 4 январ куни ўғли Миртозбек ўзига пул кераклигини, шунинг учун ушбу 1.10 гектар боғни сотмоқчи эканлигини ва харидор топилганини, ушбу харидор билан боғдаги кўчат дарахтларни кесиб олиб қолиб, куруқ ерни 18000 АҚШ долларига келишганлигини айтгани, шу куни харидор билан Қўқон шаҳарда жойлашган “Медиа парк” номли савдо дўкони олдида кўришишлигини айтганида у ўғли Миртозабекдан хавотир олиб орқасидан етиб боргани, ўғли Миртозбек “Медиа парк” савдо дўкони олдида харидорини кутиб турганлигини кўргани ва у ўғлини ёнига бориб турганида, унга нотаниш кейинчалик билса ўзини Алижон деб таништирган харидор келгани, ушбу харидор ўғли билан ерни 18000 АҚШ долларига келишиб, харидордан пулни олиб, ерни сотганлиги бўйича тилхат ёзиб бергани, шунда ИИБ ходимлари келиб ўзларини таништириб, ариза юзасидан тезкор тадбир ўтказганлигини маълум қилиб ўғли Миртозабек олган жами 18000 АҚШ доллари пулларни холислар иштирокида олиб баённома тузишгани ва ўғли Миртозбекнинг қўлларидан пулга ишлов берганлиги бўйича намуналар олишгани, ИИБ ходимларига Миртозбек ушбу ўзига қарашли бўлган 1.1 гектар ер майдонини 18000 АҚШ долларга сотганлигини айгани, кейин ИИБ ходимлари билан Қўқон шаҳар ИИБ биносига келиб, у ерда хужжатлар расмийлаштиришгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ К.Отабоев суд мажлисида, у 2007 йилдан бери Ўзбекистон туманидаги Ғаниобод ММТП худудида жойлашган боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаб келиши, 2020 йил 11 январь кунида эса Ўзбекистон тумани ҳокимининг қарорига асосан унга 18.70 гектар ер майдони боғдорчилик йўналишида узоқ муддатга бириктирилгани, шундан сўнг у жаъми 13 нафар фуқароларни ер майдонлари бирлаштирилганидан сўнг у бир ягона “Отабоев Комилжон боғ файзи” номли фермер хўжалиги ташкил қилгани, лекин ҳар бир ер эгаларини ишчи сифатида ўз ер майдонларида қолдиргани, бу ер майдонлари орасида акаси Тўхташев Бозорбойни ўғли Тўхташев Миртазобекни 1.10 гектар ер майдони ҳам мавжуд бўлиб, жияни Миртозабек кўп йиллардан бери бу ер майдонида кўчат экиб, боғ ташкил қилиб деҳқончилик ишлари билан шуғуланиб келиши, лекин шундай бўлсада бу 1.10 гектар ер майдони уни “Отабоев Комилжон боғ файзи” фермер хўжалиги балансида тургани, у жияни Миртозабекка бу ер майдони уни фермер хўжалиги балансида туришлигини, уни ўзбошимчалик билан бирор кишига сотиб юбормаслик ҳақида огоҳлантиргани, 2024 йил 4 январь куни эса унга



Фарғона вилояти ИИБ ходимлари телефон қилишиб, жияни Миртозабек уни балансида бўлган 1.10 гектар ер майдонини 18 минг АҚШ долларига сотаётган вақтида қўлган тушганлигини айтишгани, у бу ишдан шунда хабар топгани, уни бу ишдан хабари бўлмагани, Миртозабек уни сотишдан олдин огоҳлантирмагани ва ундан рухсат ҳам олмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Қ.Мамаюсупов суд мажлисида, у 2024 йил 4 январь куни Қўқон шаҳар ИИБ биноси олдидан ўтиб кетаётганида, ИИБ ходимларидан бири уни тўхтатиб, бир ҳолат юзасидан холис сифатида иштирок этишга розилигини сўраганида, у рози бўлгани, шундан сўнг яна бир нафар холис фуқаро билан тезкор тадбирда иштирок этгани, уларга маълум қилишича, А.Солиев Фарғона вилояти ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, у ўз аризасида 2023 йил 7 декабрь куни қонуний ер сотиб олмоқчи бўлиб, ижтимоий тармоғда ер майдони сотилиши юзасидан жойлаштирилган эълон бўйича Ўзбекистон туманида яшовчи “Муртозжон” исмли шахс билан учрашганида, у ўзи фойдаланиб келаётган Ўзбекистон тумани, Янгихаёт маҳалласида жойлашган 1.10 гектар ер майдонини 18.000 АҚШ долларига сотмоқчи бўлаётганлигини маълум қилиб, унинг ҳаракатлари ноқонуний бўлганлиги учун унга нисбатан қонуний чора кўришликни сўрагани сабабли тезкор тадбир ўтказилгани, дастлаб тадбирда фойдаланиш мақсадида 2 та 100 АҚШ доллари купюрадаги 200 АҚШ доллари PH13299371B, PF10542660L серия рақамли ва LB61958088G серия рақамли жами 178 дона 100 АҚШ доллари купюрадаги муляж пуллар олиниб, уларнинг иштирокида ушбу пулларга кимёвий ишлов берилгани, кимёвий ишлов беришдан аввал 200 АҚШ долларининг ксеронусхалари олингани, пулларга уларнинг иштирокида мутахассис томонидан «люминор» русумли кимёвий кукун ёрдамида ишлов берилиб, махсус кимёвий қалам ёрдамида 1 дона «ЕР-2024» ёзуви ёзилгани ва иштирокчиларга «ОЛД» русумли аппаратда кўрсатилганда, пулларда сариқ рангли нурланишлар ва ёзувлар борлиги кўрингани, кейин мутахассис томонидан «тоза тампондан наъмуна» олиниб 1-сонли конвертга, «махсус қаламдан наъмуна» олиниб 2-сонли конвертга ва «махсус кимёвий кукундан намуна» олиниб 3-сонли конвертга солиниб, муҳрланиб, иштирокчиларга имзо қўйдирилгани, кимёвий ишлов бериш тамомлангач ушбу пуллар ва ўзаро суҳбатни ёзиб олиш учун “USB” русумли диктофон аризачига тақдим қилингани, уларнинг иштирокида тадбир иштирокчилари томонидан тезкор тадбир бошлангани, аризачи А.Солиев ўзининг рақамидан ер сотмоқчи бўлган «Муртоз» исмли шахснинг рақамига телефон қилиб, «Муртоз» исмли шахсга Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган “Медиа парк” номли савдо мажмуаси автомашиналар тураргоҳида учрашишларини маълум қилгач, уларнинг иштирокида тезкор гуруҳ аъзолари билан ушбу манзилга боргани, маълум вақт ўтиб, «Муртоз» исмли шахс айтилган манзилга бир нафар шериги билан келгани, шундан сўнг бир неча дақиқа ўтиб, аризачи тезкор тадбир амалга ошганлиги тўғрисида ишора берганидан кейин тадбир иштирокчилари билан бирга уларни олдига келиб, ўша ерда турган «Муртоз» исмли шахсга ўзларини хизмат гувоҳномаларини кўрсатган ҳолда таништириб, унга нисбатан фуқаро А.Солиевнинг аризасига асосан тезкор тадбир ўтказилгани ҳақида айтишгани, судланувчи М.Тўхташев амакиси



К.Отабоев раҳбарлигидаги жами 1,10 сотих боғ ер майдонини 18.000 АҚШ доллариға сотишга келишиб, 18.000 АҚШ доллари миқдоридидаги пулларни олганлигини айтиб, пулларни ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларига тақдим қилгани, у ва яна бир холис иштирокида М.Тўхташевнинг ўнг ва чап қўллари махсус “ОЛД” аппарати ёрдамида кўздан кечирилганда, унинг ўнг ва чап қўл бармоқларида сариқ рангли нурланишлар борлиги аниқланиб, тоза тампон ёрдамида ўнг ва чап қўл бармоқларидан суртмалар олиниб, 4- ва 5-сонли конвертларга солиниб муҳрлангани, сўнгра пул маблағлари мутахассис томонидан санокдан ўтказилганида 18.000 АҚШ доллари эканлиги, ксеронусхалари билан солиштирилганида тадбир учун ишлатилган пуллар эканлиги, махсус “ОЛД” аппарати ёрдамида кўздан кечирилганида пулларда сарғиш нурланишлар борлиги, пулларнинг 1 донасида “Ер-2024” ёзувлари мавжудлиги аниқланиб, келгусида текшириб кўришлик учун 6-сонли конвертга солиниб муҳрлангани ҳақида кўрсатув берди.

Суд, юқоридагилардан ташқари судланувчи М.Тўхташевнинг айби ишдаги ариза ва конверт (и.в 3-5), тезкор экспремент ўтказиш ҳақида қарор ва баённомаси (и.в 8-10), далилий ашёни олиш баённомаси ва фотоилова (и.в 11-15), тилхат (и.в 17), тушунтириш хатлари (и.в 18-36), кадастр маълумотномаси ва унга иловалар (и.в 37-39), суд кимёвий экспертизаси хулосаси (и.в 41-42), стененограмма ва диск (и.в 50-53) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Судланувчи М.Тўхташевнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКниг 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган, чунки, М.Тўхташев ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан фирибгарлик, яъни, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан А.Солиевни ишончини суиистеъмол қилиб, унга ўзига тегишли бўлмаган “Отабоев Комилжон боғ фэйзи” кўп тармоқли фермер хўжалигига қарашли 1,10 гектар ер майдонини гуёки ўзига тегишли эканлигини айтиб, алдаб, жуда кўп миқдордаги 18.000 АҚШ доллариға сотишга суиқасд қилиб, ўзининг ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказа олмай, ИИБ ходимлари томонидан ушланган.

Суд, судланувчи М.Тўхташевга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида қилмишидан пушаймонлигини, оилали, 2 нафар фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини эътиборга олиб, юқоридаги енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКниг 25,168-моддаси 5-қисмига асосан унга нисбатан ЖКниг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида белгиланмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд жиноят иши бўйича ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил тариқасида олинган 18.000 АҚШ доллари тилхат орқали бошқарма ихтиёрига қатарилганлигини эътиборга олиб, 6 дона кимёвий



кукундан намуна олинган тампонлар солинган конвертлар ва 1 дона СД дискни жиноят иши ҳужжатлари билан сақлаш учун қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Тўхташев Миртозабек Бозарович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Тўхташев Миртозабек Бозаровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони иш жойларида ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати иш жойида иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Ўзбекистон тумани ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

М.Тўхташевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил 18.000 АҚШ доллари тилхат орқали бошқарма ихтиёрига қатарилганлигини эътиборга олинсин

6 дона кимёвий кукундан намуна олинган тампонлар солинган конвертлар ва 1 дона СД диск жиноят иши ҳужжатлари билан сақлаш учун қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

ИМЗО

П.Маматусмонов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

